

## АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

**Равшанов Алишер Бобоқулович**

ҚарМИИ катта ўқитувчиси

### Аннотация

Мақолада асосий воситаларни тан олиш, уларнинг қийматини аниқлаш, тан олинадиган эскириши ва кадрсизланишдан зарарларни аниқлаш асосий масалалари ва ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** асосий восита, инвестицион мулк, таннарх, баланс қиймати, эскириш, қайта баҳолаш, кадрсизланиш, кадрсизланиш бўйича зарар, резерв.

### Кириш

Ҳар қайси давлатнинг хўжалик юритувчи субъектлари иқтисодий давлат бошқаруви тузилмасидан қатъий назар ўзининг ҳисоб сиёсатига эга. Бу ҳисоб сиёсати шу мамлакатнинг қонунлари, тегишли низомлари, миллий бухгалтерия ҳисоби стандартлари асосида ишлаб чиқилади. Корхонанинг ҳисоб сиёсати унинг ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассамлаштириб, биринчи навбатда, молиявий ҳисоботнинг миллий фойдаланувчилари манфаатларига хизмат қилган.

Халқаро савдонинг ривожланиши, трансмиллий компанияларнинг пайдо бўлиши, халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши, капитал бозорининг ва иқтисодий жараёнлар ҳамда ахборот технологияларининг глобаллашуви турли мамлакатлардаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини ҳар бир давлат фойдаланувчилари учун умумий, улар томонидан қўйилган талабларга жавоб берувчи молиявий ҳисоб ва ҳисобот стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни тақозо этди. Бу ўринли, ишончли, таққосланадиган, молиявий маълумотларни олиш ва тақдим этиш зарурати билан боғлиқ бўлиб, манфаатдор томонлар учун тушунарли бўлиши лозим. Шу мақсадда, барча аъзо давлатлар фойдаланувчилари манфаати учун хизмат қилувчи бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бухгалтерия ҳисобини ягона услубий асосларини ишлаб чиқиш, тақдим этиши ва бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларини яратиш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (МҲХС)га мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисобини ташкил этиш уларнинг вазифалари қилиб белгиланди.

### Адабиётлар шарҳи

Хўжалик юритувчи субъектларнинг “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот”нинг асосий моддаларидан бири асосий воситалар ҳисобланиб, у ҳар қандай корхонанинг активларида асосий улушга эга бўлади.

Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти талаблари асосида ҳисобга олишда асосий воситаларни тан олиш, уларнинг қийматини аниқлаш, тан олинадиган эскириши ва қадрсизланишдан зарарларни аниқлаш асосий масалалари бўлиб ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаби асосида маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситаларни ҳисобга олиш қуйидаги стандартлар билан тартибга солинади:

- ✓ 1-БҲҲС-Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш;
- ✓ 13-МҲҲС-Ҳаққоний қийматни баҳолаш;
- ✓ 16-БҲҲС-Асосий воситалар;
- ✓ 36-БҲҲС-Активларнинг қадрсизланиши;
- ✓ 40-БҲҲС- Инвестицион мулк;
- ✓ 41-БҲҲС-Биологик активлар.

Асосий воситалар – қуйидагилар учун мўлжалланган моддий активлардир:

- маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш, ёки хизматларни кўрсатиш, ёки бошқа томонларга ижарага бериш, ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган;
- бир даврдан узоқроқ муддат давомида фойдаланилиши кутилган [1].

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот асосий воситалар суммаларни ҳам акс эттирадиган, сатрларда кўрсатиладиган моддаларини ўз ичига олиши лозим [2] (1- БҲҲС 54-банд).

16-БҲҲС-Асосий воситаларга мувофиқ активни тан олиш мезонларига мос келадиган асосий восита объекти таннарх бўйича баҳоланиши лозим.

*Таннарх* – бу активни унинг хариди ёки қурилиши пайтида сотиб олиш учун тўланган пул маблағи ёки пул маблағи эквивалентидаги қиймат ёки бошқа турдаги унинг эвазига берилган товоннинг ҳаққоний қиймати ёки ушбу активнинг дастлабки тан олинishiдаги қийматдир.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (Бухгалтерия баланси)да асосий воситалар баланс қийматида акс эттирилади.

*Баланс қиймати* – бу ҳар қандай жамғарилган эскириш ва йиғилган қадрсизланиш бўйича зарарлар чегириб ташланганидан сўнг активнинг тан олинадиган суммасидир.

*Эскириш* – бу активнинг эскириш ҳисобланадиган қийматини унинг фойдали хизмат муддати давомида систематик тарзда харажатларга олиб боришдир.

*Қадрсизланиш бўйича зарар* - бу активнинг баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ошадиган қисмидир.

Асосий воситалар объектининг таннархи фақатгина қуйидаги шартлар бажарилганда актив сифатида тан олинади:

1-дан, тадбиркорлик субъекти томонидан асосий восита билан боғлиқ келгуси иқтисодий наф олинishi эҳтимоли мавжуд бўлса;

2-дан, активнинг таннархи ишончли баҳолана олса[2].

1-БҲҲСга асосан молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот инвестицион мулк ва биологик активлар суммаларини акс эттирадиган, сатрларда кўрсатиладиган моддаларни ўз ичига олиши лозим. 40-БҲҲСга асосан, унга қуйидагилар мисол бўла олади:

- одатдаги хўжалик фаолияти доирасида қисқа муддатда сотиш учун эмас, балки узоқ муддат давомида капиталнинг қиймати ошиши учун эгалик қилинадиган ер;

- келгусида фойдаланилиш мақсади аниқланмаган эгаликдаги ер (капиталнинг қиймати ошиши мақсадида сақланаётган ер);

- тадбиркорлик субъекти томонидан эгалик қилинадиган (ёки молиявий ижара шартномаси асосида тадбиркорлик субъекти томонидан эгалик қилинадиган) ҳамда бир ёки бир неча оператив ижара шартномалари асосида ижарага берилган бино;

- банд бўлмаган, аммо бир ёки бир неча оператив ижара бўйича ижарага беришга мўлжалланган бино;

- келгусида инвестицион мулк сифатида фойдаланиш учун қурилаётган ёки такомиллаштирилаётган мулк [3].

Амалдаги миллий стандартларга кўра инвестицион мулк асосий воситалар моддаси таркибида акс эттирилади.

41-БҲХСга асосан тирик ҳайвон ёки ўсимликлар биологик активлар ҳисобланиб, амалдаги 5-БҲМС (Асосий воситалар)га кўра тирик ҳайвон ёки ўсимликлар асосий воситалар моддаси таркибида акс эттирилади.

Бундан кўриниб турибдики миллий ҳисоб стандартларини халқаро талаблар даражасига етказиш учун амалдаги счётлар режасини ҳам қайта кўриб чиқиш, уларга ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Илмий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида асосий воситаларни характерловчи кўрсаткичларга берилган таърифлар ва тушунтиришлар ўрганилиб, уларни МҲХС талабларига мослаштириш масалари методик жиҳатдан тадқиқ қилинди. Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган. Тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция ва статистик жадвал ва солиштирма таҳлил усулларидан фойдаланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси**

Хориж ҳисоб амалиётига ва 16-БҲМСга эътибор берадиган бўлсак, асосий воситаларнинг туркуми – бу бир хил хусусиятга ва тадбиркорлик субъектининг фаолиятида фойдаланиш мақсадларига эга бўлган активларнинг гуруҳидир. Улар қуйидагилардир:

- ер;
- ер ва бинолар;
- асбоб-ускуна;
- кемалар;
- самолет;
- транспорт воситалари;
- мебель ва жиҳозлар; ва
- офис асбоб-ускунаси.

Асосий воситаларнинг бундай туркумланиши уларни ҳисобини тўғри ташкил этиш ва фойдаланувчилар учун тушунарли бўлишини таъминлайди.

16-БҲМСга асосан асосий восита объекти молиявий ҳисоботда қайта баҳоланган қиймати бўйича ҳисобга олиниши керак[4].

Масалан, Ускунанинг бошланғич қиймати -200 000,0 минг сўм, эскириш қиймати-50 000,0 минг сўм, баланс қиймати -150 000,0 минг сўм. Қайта баҳолангандан кейинги баланс қиймати-160 000,0 минг сўм. Ускунанинг қолган фойдали хизмат муддати – 4 йил.

Корхона қайта баҳолаш резервидаги суммани ҳар йили тақсимланмаган фойдага олиб бориш усулидан фойдаланади.

Ушбу ҳолда ҳар йили тақсиланмаган фойдага олиб бориладиган ўсиш суммаси 2500 минг (10000/4) сўмни ташкил этади.

Амалдаги БҲМСларига кўра қайта баҳолаш натижасида активлар қийматини ўсиши ёки камайиши 8510-“Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счётида ҳисобга олинади. Мол-мулкни қайта баҳолаш ҳам бошланғич қиймат бўйича ҳам эскириш қиймати бўйича амалга оширилиши сабабли дастлаб активни қайта баҳолаш коэффицентини топиб оламиз. Сўнгра активни қайта баҳоланган бошланғич ва эскириш қийматини топиб олиш талаб этилади. Бу кўрсаткичлар қуйидаги тартибда ҳисоблаб топилади:

1. Активни қайта баҳолаш коэффицентини:

$$160000 : 150000 = 1,0667.$$

2. Қайта баҳоланган бошланғич қиймати:

$$200000 \times 1,0667 = 213\ 333.$$

3. Қайта баҳоланган эскириш қиймати:

$$50000 \times 1,0667 = 53333.$$

Қайта баҳолаш натижасида оширилган баланс қиймати суммаси 10000,0 минг ((213 333 -53 333)-150 000,0) сўмга тенг бўлади.

Ушбу сумма, активнинг баланс қиймати билан қайта баҳоланган қиймати орасидаги фарққа ёки активнинг қайта баҳоланган бошланғич қиймати билан қайта баҳоланган эскириш қиймати орасидаги фарққа тенг бўлади. Бу оширилган бошланғич қиймати суммаси (13 333,0 минг)га амалдаги миллий стандартга кўра:

Дебет 0130 -Асбоб ва ускуналар

Кредит 8510- Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар.

Оширилган эскириш қиймати суммаси (3 333 минг)га:

Дебет 8510- Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар

Кредит 0230-Асбоб ва ускуналарни эскириши бухгалтерия ёзуви берилади.

Агар қайта баҳолаш натижасида ускунанинг қиймати камайса, камайган сумма ўша ускунанинг навбатдаги қиймати ошиши ҳисобига тўлдирилади ва у 8510-“Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счётининг дебетида акс эттирилади. Шу мулкнинг аввалги қайта баҳолашдаги қийматидан ошган арзонлаштирилган сумма харажат сифатида тан олинади ва 9430-Бошқа операцион харажатлар счётида акс эттирилади.

16-БҲХСга асосан агар қайта баҳолаш натижасида активнинг баланс қиймати ошса, ошган қисм бошқа умумлашган даромадда тан олиниши ва капитал таркибидаги бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси ҳисобга олинандиган ҳисобварақда йиғилиши лозим. Бироқ, ошган қисм фойда ёки зарарларда шу даражада тан олиниши лозимки, бунда олдин айнан шу активни қайта баҳолаш натижасида фойда ёки зарарларда тан олинган унинг камайиши суммаси олдин қопланиши лозим.

Агарда активнинг баланс қиймати қайта баҳолаш натижасида камайса, камайган қисм фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим. Бироқ, камайган қисм бошқа умумлашган даромадда

ушбу актив бўйича бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси ҳисобга олинандиган ҳисобварақининг ҳар қандай кредит сальдосига тенг миқдорда тан олиними лозим. Бошқа умумлашган даромадда тан олинган камайган қисм капитал таркибидаги бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси ҳисобга олинандиган ҳисобварақда йиғилган суммани камайтиради.

13-МХХСга кўра ҳаққоний қиймат тадбиркорлик субъектига хос баҳолаш эмас, балки бозорга асосланган баҳолашдир.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олиними мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда (сўндиришда) тўланиши мумкин бўлган нархдир[5].

Масалан, хўжалик субъекти 2021 йил 1 мартда ишлаб чиқариш ускунасини харид қилди. Ускунанинг ҳаққоний қиймати 122 000,0 минг сўм. 2021 йил 31 сентябрда ҳаққоний қиймати 128 000,0 минг сўм. 2021 йил 31 декабрда ҳаққоний қиймати 120 000,0 минг сўм. 2022 йил 31 июлда ҳаққоний қиймати 126 000,0 минг сўм. Бу операцияларга қуйидаги бухгалтерия проводкалари берилади:

1. 2021 йил 31 сентябрда ускуна ва резерв суммасини ошишига:

Дебет 0130 кредит 8510 6000,0 минг сўм.

2. 2021 йил 31 декабрда резерв ва ускуна суммасини камайтишига:

Дебет 8510 кредит 0130 -6000,0 +(-2000,0) минг сўм.

3. 2022 йил 31 июлда ускуна ва резерв суммасини ошишига:

Дебет 0130 кредит 8510 (-2000,0)+ 4000,0 минг сўм.

Буни жадвал кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин:

Сана	Ҳаққоний қиймат	Ҳаққоний қийматдаги ўзгариш	Фойда ёки зарар	Бошқа умумлашган даромад	Қайта баҳолаш бўйича резерв
1.03.2021	122 000				
31.09.2021	128 000	6000		6000	6000
31.12.2021	120 000	-8000	-2000	-6000	0
31.07.2022	126 000	6000	2000	4000	4000

Асосий воситалар ҳисобдан чиқарилганида бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси ҳисобга олинандиган ҳисобварақда асосий восита объекти бўйича жамланган сумма тўғридан-тўғри тақсимланмаган фойдага ўтказилиши мумкин. Яъни, Дебет 8510 кредит 8710 (Жорий йилни тақсимланмаган фойдаси).

36-БХХС-Активларнинг қадрсизланишига асосан хўжалик юритувчи субъекти ҳар бир ҳисобот даври охирида молиявий ҳисобот кўрсаткичларини ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида актив қадрсизланганлигининг бирор ишораси мавжудлигини текшириши, агарда шундай ишора мавжуд бўлса, хўжалик субъекти активнинг қопланадиган қийматини баҳолаши лозим.

Агарда асосий воситанинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматидан ошса у қадрсизланган бўлади.

Асосий воситанинг қадрсизланган бўлиши мумкинлигининг ишораси мавжуд бўлса, бу асосий восита бўйича қолган фойдали хизмат муддати, эскиришни (амортизацияни) ҳисоблаш

усули ёки тугатиш қиймати кўриб чиқилиши ва активга нисбатан қўлланиладиган Стандартга мувофиқ ўзгартирилиши зарурлигини кўрсатиш мумкин, ҳаттоки агарда ҳеч қандай кадрсизланиш зарари актив учун тан олинмаса ҳам[6].

Масалан, бошланғич қиймати 200 000,0 минг сўми ташкил этган ускунанинг фойдали хизмат муддати 6 йил. Ташкилот раҳбарияти 3-йилнинг бошида ускунанинг қолган фойдали хизмат муддатини қайта кўриб чиқиш зарурати борлиги тўғрисида қарор қабул қилиб, уни 3 йил қилиб белгилашди.

Усқунани кадрсизланиши сабабидан 3-йил учун эскириш суммасини аниқлаймиз:

1. Ўтган даврларда фойдаланилган, 2 йилга тўғри келган жамғарилган эскириш суммаси:

$$200\ 000 / 6 * 2 = 66\ 667 \text{ сўм.}$$

2. 3-йил учун эскириш суммаси:

$$200\ 000 - 66\ 667 = 133\ 333 \text{ сўм.}$$

$$133\ 333 / 3 = 44\ 444 \text{ сўм}$$

Хўжалик юритувчи субъект агарда асосий воситасидан ижара бериб даромад олиш ёки унинг қийматини ошириш учун эгаллик қилаётган бўлса, 40 –БҲХСга асосан бу мулк инвестицион мулк ҳисобланади. Инвестицион мулкка ижарадан даромад олиш мақсадида ёки капиталнинг қиймати ошириш учун ёки иккаласи учун эгаллик қилинади.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда инвестицион мулкни ёритиб бериш уларни алоҳида счётларда ҳам ҳисобга олишни тақоза қилади. Бизнингча амалдаги счётлар режасида мавжуд бўлган 0300-“Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар”ни номланишини “Инвестицион мулкни ҳисобга олувчи счётлар” деб номлаб, унинг таркибида 0320-“Инвестицион мулк”, бу мулкнинг эскиришини ҳисобга олиш учун 0298-“Инвестицион мулкнинг эскириши” счётларини очилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

### Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот”нинг асосий моддаларидан бири бу асосий воситалар ҳисобланиб, уларни тўғри таснифлаш, тан олиш, қийматини аниқлаш ва кадрсизланишидан кўрилган зарарни аниқлаш ҳамда тан олиш бухгалтерия ҳисобининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади.

Асосий воситалар ҳисобини илмий жиҳатдан ўрганиш ва уни такомиллаштириш долзарб масалалардандир.

Ўрганишлар натижасига кўра хўжалик субъектининг асосий воситаларини тўғри таснифлаш, ҳисобини тўғри ташкил этиш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида бажариладиган ишлар юзасидан қуйидаги таклифлар тавсия этилади:

- хўжалик субъектларида мавжуд асосий воситаларни тўғри таснифлаш (ишлаб чиқаришдаги, маъмуриятдаги, хизмат кўрсатишдаги, консервациядаги, инвестиция қилинадиган, сотишга мўлжалланган асосий воситалар) орқали уларни ҳисобини тўғри ташкил этиш;

- асосий воситаларни эскириш харажатларини ҳисоб объектларига тўғри киритилишини таъминлаш, шунингдек, қайта баҳолашдан ошган ёки камайган қийматини счётларда тўғри акс эттириш ҳамда фойда ва зарарларда тўғри тан олинишини таъминлаш;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситалари ҳисобини МҲХСга яқинлаштириш мақсадида амалиётда МҲХС элементларини қўллаш.

**Адабиётлар.**

1. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 16-Асосий воситалар.
2. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 1-Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш.
3. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 40-Инвестицион мулк.
4. Ergasheva Sh.T., Ibragimov A.K., Rizayev N.K., Ibragimova I.R. Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari. O„quv qo„llanma. – T.: TDIU,
5. 2019. – 227 b.
6. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 13- Ҳаққоний қийматни баҳолаш;
7. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 36-Активларнинг қадрсизланиши.
8. Аминов Ф.Б. (2022). НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ КООПЕРАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. Экономика и социум, (10-1 (101)), 232-237.
9. Аминов, Ф. Б. (2022). УСЛОВИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.
10. Эгамбердиева, С. Р. (2021). ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (4 (140)), 42-47.
11. Эгамбердиева, С. Р. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ.«. *ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ: МУАММО, ТАҲЛИЛ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ» Халқаро илмий-амалий анжуман илмий мақолалар тўплами 20-21 май 2021 й, 460.*
12. Эргашева, Н. (2022). ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Innovatsion texnologiyalar*, 1(04), 108-111.
13. Эгамбердиевна, А. Ҳ. (2021). ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
14. Azimova, N. (2019). RISING THE INCOME OF POPULATION–THE GUARANTY OF LIVING STANDARD. *International Finance and Accounting*, 2019(3), 7.
15. Normamatovich, Kholmurodov O., et al. "Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework." *JournalNX*, vol. 6, no. 05, 2020, pp. 53-56.
16. Музаффарова, К. З. (2021). МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Архив научных исследований*, 1(1).
17. Музаффарова, К. З. (2019). Роль иностранных инвестиций в развитии национальной экономики Узбекистана. *Экономика и предпринимательство*, (1), 411-414.
18. БУТУНОВ, Ш. ВЛИЯНИЕ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ И БАНКОВСКИХ ФАКТОРОВ НА УРОВЕНЬ НЕДЕЙСТВУЮЩИХ КРЕДИТОВ: РЕЗУЛЬТАТЫ ПО СТРАНАМ СНГ. *ECONOMICS*, (3), 33-42.
19. NORMAMATOVICH, K. O., EGAMBERDIYEVNA, A. K., & NAKIMOVICH, B. K. Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework. *JournalNX*, 6(05), 53-56.

20. Турсунов, И., Рахматуллаев, А., & Бердиев, А. (2017). Формирование кластеров как фактор инфраструктурного обеспечения инновационного предпринимательства. *European Journal of Humanities and Social Sciences*, (2), 84-87.
21. Berdiyev, A. H., & Rasulov, K. K. (2022). Prospects for Cluster Activities in the Agricultural Sector: Problems and Solutions. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 99-108.
22. Berdiyev, A. H., & Rasulov, K. K. (2022). Implementing Digital Technologies in Agricultural Sector. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 109-113.
23. Berdiyev, A. H., & Rasulov, K. K. (2022). Issues of Increasing the Investment Potential of the Regions. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 93-98.
24. Khakimovich, B. K. . (2022). Development of Private Capital Financial Statement Audit Methodology in Accordance with International Standards. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 299–303.
25. Туробов, Ш. А., & Фахриддинов, Б. Ф. Ў. (2021). УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ–ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИ СИФАТИДА. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (4 (140)), 15-20.
26. Turobov, S. A., & Azamatova, G. I. (2020). REGIONAL CHARACTERISTICS OF HOUSEHOLD ENTREPRENEURSHIP ACTIVITIES IN KASHKADARYA REGION. *Economics and Finance (Uzbekistan)*,(2 (134)).
27. Turobov, S., & Azamatova, G. (2020). The Role Of Households In The Development Of The Digital Economy. *International Finance and Accounting*, 2020(3), 35.
28. Yakubova, S. (2021). Sh. The role of effective implementation of monetary policy in a pandemic condition/Sh. Sh. Yakubova, MD Raimova. *Theoretical & Applied Science*, (12), 104.
29. Усанов, А., & Рахмонкул, Д. (2019). Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида камерал назоратнинг туган ўрни. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (11), 55-60.
30. Джалилов, Р. (2023). ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Economics and education*, 24(2), 272-278.
31. Рашидов, Р. И., & Муртазаев, Н. Р. (2020). DIRECTIONS OF INNOVATIVE AGRICULTURAL DEVELOPMENT. *ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ*, 2(7).
32. Alisherovich, T. S., & Iskandarovich, R. R. (2021). The Importance of Household Entrepreneurship in Providing Employment. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 177-182.
33. Аликулов, А. Т. (2019). Ўзбекистонда иқтисодий либераллаштириш ва унинг капитал оқимига таъсири. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (6), 54-58.
34. Tuugunovich, A. A., & Islamovna, G. F. (2022). WHAT FACTORS INFLUENCE THE ACTIVITY OF RETAIL INVESTORS IN THE CAPITAL MARKET. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 373-380.
35. TUYGUNOVICH, A. A., OGLI, S. O. A., & QIZI, K. Z. K. Problems of Improving Stock Market Trading Mechanisms in Uzbekistan. *JournalNX*, 6(07), 330-334.
36. Toxirovna, S. G. (2021). Dehkan Farm-Services To Sustain Food Supply. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 6, 1-5.



37. Samiyeva, G. T. (2021). The Main Tasks Of Farms And Dekhkan Farms In Ensuring Productive Security In Uzbekistan. *Journal of Contemporary Issues in Business and Government*.
38. Маматов, А. А., Жураев, Т. Т., Назарова, Ф. Х., Хуррамов, А. Ф., & Маматов, М. А. (2020). Развитие хлопково-текстильных кластеров в экономике Республики Узбекистан. *Экономика и предпринимательство*, (9), 419-423.
39. Маматов, А. А., & Хуррамов, А. Ф. (2017). Иностранные инвестиции как фактор экономического роста Республики Узбекистан. *Экономика и предпринимательство*, (10-2), 98-101.
40. Хуррамов, А. (2012). О монографии ИС Абдулаева «ПРОГНОЗИРОВАНИЕ СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНА». *ва молия Экономика*, 50.
41. Хуррамов, А. Ф. (1993). Арендные отношения и пути их совершенствования в условиях перехода к рыночной экономике (на примере хлопководческих совхозов).